



ҲАРБИЙЛАШТИРИЛГАН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАЛАРИ КУРСАНТ ВА ТИНГЛОВЧИЛАРНИ ЖАЗОЛАШНИ ҚИЛМИШИГА МОС РАВИШДА ҚҰЛЛАШДА ЙҮЛ ҚҰЙИЛАЁТГАН КАМЧИЛИКЛАР

Бобоев Үткірбек Жумаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқуў-саф қисми отряд командири,
подполковник

Хайдаров Голиб Музаффаржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқуў-саф қисми отряд командири,
катта лейтенант

Аннотация: Ушбу мақола орқали сиз, ҳарбийлаштирилган олий таълим муассалари курсант ва тингловчиларни жазолашни қилмишига мос равишида құллашда йүл құйилаётган камчиликлар ҳақида билиб олишингиз мүмкін.

Калит сұздар: ҳарбийлаштирилган олий таълим муассалари, курсант, тингловчи, ҳуқуқлари, миллий қонунчилік, камчиликлар, халқаро тажрибалар.

КИРИШ

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий иқтисодий ривожланишнинг устувор йұналишлари ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бүйіча кенг күламли ишлар амалға оширилмоқда. Ҳудудларда янги олий таълим муассаларининг ташкил этилиши, кадрлар тайёрлашнинг замонавий таълим йұналишлари ва мутахассисліктар ҳамда сиртқи ва кечки бўлимларнинг очилиши, олий таълим муассаларида қабул квоталарининг оширилиши мазкур йұналишдаги муҳим ислоҳотлардан бири саналадаи. Барча олий таълим муассасаларида ўзларининг талабаларни идора қилиш тизими мавжуд бўлиб фан, маданият, спорт ахборот технологиялари ва турли соҳаларда ўзларини ижобий томондан кўрсатаётган талабаларни рағбатлантириш билан бир қаторда олийгоҳда ўрнатилган интизомни, ички тартиб қоидаларини бузган талабаларга тегишли чоралар кўрилиши сир эмас. Интизом-кишилар, жумладан меҳнат жамоаси аъзоларининг жамиятда таркиб топган хуқуқ ва ахлоқ меъёrlарига, шунингдек бирон бир ташкилот талабларига жавоб берадиган муайян хулқ-атвор ва ўзини тутишга оид тартиб қоидалардир.¹ Интизом бор жойда интизомсизлик, интизом бузиш

¹ ЎЗМЭ. Биринчи жилд. Тошкент . 2000 йил



ҳолатлари содир этилмаслиги ва уни олдини олиш учун жазо ва жазолаш тизими ҳам мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг Интизом устави ички ишлар органлари ходимлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари курсант (тингловчи)ларининг (кейинги ўринларда – ходимлар) хизмат интизомига қўйилаётган талаблар ва одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди, бошлиқлар ва ходимларнинг ўзаро муносабатларини, шунингдек рағбатлантириш ва интизомий жазо чораларининг қўлланилишини тартибга солади².

МУХОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Интизомий жазо – бу таълим олувчининг хатти-харакатига салбий баҳо бериш, талабларни қўйиш ва меъёрларга риоя қилишга мажбурлаш, айбдорлик, пушаймонлик туйғусини шакллантириш орқали унинг салбий кўриниши олдини олиш усулидир. Интизомий жазо - жамиятда ўрнатилган хулқ атвorum талаблари ва меъёрларига риоя қилмаган тақдирда қўлланиладиган таъсир кўрсатиш чораси ҳисобланади³. Унинг ёрдами билан курсант ва тингловчиларнинг содир этган ҳуқуқбузаликлари ва унинг оқибатларини, келгусида яна шундай тартиббузарлик содир этилишини ҳамда тегишли хулоса қилишига ундаиди.

Бошқа йўналиш – бепул таълим назарияси тарафдорлари ҳар қандай жазони рад этишди, чунки улар ўқувчининг хис туйғуларини уйғотади. Бу интилиш болаларнинг зўравонлигига қарши норозиликни ўз ичига олган.

Жазо усулларини қўллашда маълум педагогик талаблар мавжуд. Жазо асосли, муносиб, қилмиш даражасига мос бўлиши керак. Агар бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳуқуқбузарликлар содир этилган бўлса жазо қаттиқроқ бўлиши керак, лекин бир вақтнинг ўзида барча интизомсизликлар учун фақат битта жазо қўлланилади.

Бир интизом бузилишига шахс икки марта жозоланмайди. Унинг содир этган қилмишига ишонч ҳосил бўлмагунича жазога шошилмаганлик маъқул.

Демак амалиётда қўйидаги жазо турлари мавжуд:

- қўшимча маъсулият юклаш билан боғлиқ жазолар;
- ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ёки чеклаш билан боғлиқ жазолар;
- ахлоқий танбех;
- қоралашларни ифодалаш.

² Конунчилик маълумотлари миллӣ базаси, 20.05.2021 й., 06/21/6230/0473-сон, 01.12.2021 й., 06/21/27/1116-сон; 09.02.2022 й., 07/22/122/0109-сон)

³ Д.М.Ромашкина “Педагогика” жазо усули



Шунингдек жазонинг қўйидаги шакллари мавжуд:

- норозилик;
- эслатма;
- огоҳлантириш;
- йифилиш муҳокамаси;
- тўхтатиб туриш;
- истисно қилиш ва бошқалар.

Ҳозирги кунда талабаларга интизомий жазо белгилашда, олий ўқув юртининг раҳбарияти ёки ушбу таълим муассасасининг бошқа мансабдор шахслари томонидан қатор камчилик ва ҳатоларга йўл қўйилмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб хориж тажрибаларида ходим ва хизматчиларга нисбатан содир этган ҳуқуқбузарликлари ва тартиббузарликлари юзасидан жазо чораларини ўрганиб чиқадиган бўлсак;

Япония қонунчилигига ходим ва хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган тўртта интизомий жазо тури мавжу бўлиб, Ишдан бўшатиш, ходимлар ва ҳарбий хизматчиларга бир кундан бир йилгача муддатга вақтинча пул мукофоти тўламаслик, Огоҳлантириш (ёзма равишда), иш ҳаққидан камайтириш бир йилгача муддатга ушлаб қолиш каби жазоларни қамраб олиб, ходим ва хизматчилар томонидан қонун хужжатлари, ваколатли органларнинг расмий хужжатларида белгиланган норматив талабларини бузиш интизомий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Коррупсия даражаси юқори бўлган Кўшма Штатларда жодим ва хизматчиларнинг қонун ва ички тартиб қоидаларга риоя етишини текшириш ҳар қандай давлат бошқаруви ёки идорасида маҳсус тайнланган шахслар ёки гурухлари, зарурат туғилганда маҳсус комессиялар томонидан амалга оширилади. Улар содир этган ҳуқуқбузарлигининг аниқланиши оқибатидақуйидаги таъсир чоралардан бирини қўллаши мумкин:

- Қисман ёки тўлиқ дисквалификация;
- пастки даражага ўтиш;

Жиддий қоидабузарлик содир этган тақдирда жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.⁴

Деярли барча ҳориж давлатлари ва жаҳонда тан олинган олий таълим муассасаларида, олий ўқув юртида таҳсил олаётган курсант ва тингловчилар томонидан белгиланган кун тартиби, юриш-туриш ва бошқа қоидаларини бузганликлари учун, асосан уч ҳил интизомий жазо турлари қўлланилади.

⁴ Пуставалова И.Н к вопросу о моральной ответственности государственных служащих// Налоги. 2010. № 44. С. 26-29



Буларнинг рўйхати қўйидагича: танбех (огоҳлантириш), ҳайфсан (турлари мавжуд) ва олий ўқув юртидан четлаштириш. Талабалар учун белгиланган жазо турларининг рўйхати шу даражада кам бўлганининг сабаби, аввалам бор талабага белгиланган жазо тури, курсантларнинг ўқиши жараёнига ҳалақт қилимаслигиdir. Бундан ташқари, жазо тайинланган кусант қатор рағбатлантиришлардан маҳрум бўлмоқда. Бунинг оқибатида қофозда бир қилмиш учун битта жазо бўлса, амалда эса бир қилмишга битта асосий ва бир нечта қўшимча жазо тушунчаси юзага келмоқда. Бу ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида, интизомий жазо тайинланган шахс (орган) томонидан, қонунчилигимизда мавжуд бўлган бир қатор рағбатлантиришларни, талабанинг ўзи билан бевосита, маъсул шахслар томонидан профилактик ишларни олиб борилганлигидан кейин, ушбу рағбатлантириш нормаларини кўпроқ ва мунтазам қўллаши лозим деб ҳисоблайман.

Психологик нуқтаи назардан қарасак, юқоридаги ҳат бошида айтиб ўтилган кўринишда тайинланган жазо, талабанинг ўқишига, жамиятга, ўзининг келажагига бўлган қизиқишини сўндириб қўяди ва давлат учун керак бўлган яна бир мутаҳассис кадр қўлдан бой берилиши мумкин. Бунга асосий сабаб, талаба олган жазосини мазмунини тўғри тушуна олмаслиги. Жазони тайинлаган шахслар бу ҳолатга йўл қўймасликлари керак, сабаби ҳар бир киши ўзининг дунё қарашига, фел-авторига эга ва шуларга таяниб ҳар бир инсон шахсий ҳулоса қилади. Бу вазиятда талаба ўқув муассасасига, жамиятга, ҳаётга нисбатан фикри салбий томонга ўзгармайди деб ҳеч ким кафолат бермайди. Бунинг олдини олиш мақсадида интизомий жазо тайинлаган шахс бевосита, йоки маҳсус тузилган бўлим ҳодимлари орқали талабага жазони тўғри ва тўлиқ мазмуни, унинг мақсади, талаба қай турдаги рағбатлантиришларга ҳақли экани, тайинланган интизомий жазо қайси ҳолатларда муддатидан олдин ечилиши ва уни қўллаш тартиби тушунтирилиши шарт деб ҳисоблайман.

Юқорида кўриб чиқилган муаммолар, менинг назаримда энг асосий ва долзарблари ҳисобланади. Унга берилган таклифлар, ҳарбийлаштирилган олий ўқув юртларида курсант ва тингловчиларга интизомий жазо тайинлашнинг мақсадига эришишда бир қатор қулайликлар яратиб беради деб ҳисоблайман. Ахир тайинланган жазонинг ягона мақсади, жазолаб жамиятдан ажратиб қўйиш эмас, балки тарбиялаш ва ноқонуний ҳатти ҳаракатларни олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-



сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларининг Интизом устави” да кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларида мазкур Уставнинг 27-бандида кўзда тутилган, ходимларга нисбатан қуидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

- а) танбех;
- б) ҳайфсан;
- в) қаттиқ ҳайфсан;
- г) лавозим маошининг эллик фоиздан кўп бўлмаган миқдорда жарима;
- д) маҳсус унвонини бир поғона пасайтириш;
- е) эгаллаб турган лавозимидан озод этиш;
- ж) гаупваҳтада ҳибсда ушлаб туриш;
- з) ички ишлар органлари хизматидан бўшатиш.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ таълим муассасаларида Уставнинг 27-бандида кўзда тутилган интизомий жазо чораларидан ташқари таълим муассасасининг белгиланган ички тартиб-қоидаларини бузган, ўқув дастурини қониқарсиз ўзлаштирган курсантлар (tinglovchilar)га нисбатан қуидаги интизомий жазо чоралари ҳам қўлланилиши мумкин:

- а) навбатдан ташқари нарядда хизмат ўташга ёки беш суткагача хўжалик ишларига жалб этиш;
- б) бир ой муддатгача таълим муассасаси ҳудудидан навбатдаги чиқиш ҳуқуқидан маҳрум этиш;
- в) курсантлар (tinglovchilar) рўйхатидан ўчириш.

ХУЛОСА

Интизомий жазо чорасини қўллашда ўз ваколатини оширган ёки Уставда назарда тутилмаган интизомий жазо чорасини қўллаган бошлиқ жавобгарликка тортилади, қўлланилган интизомий жазо эса юқори турувчи раҳбарият томонидан бекор қилинади. Интизомий жазо чораларининг қўлланилиши асосли бўлиши ва содир этилган ножӯя хатти-ҳаракат оғирлиги ҳамда айб даражасига мувофиқ келиши зарур. Интизомий жазо чораларини белгилаш чоғида ножӯя хатти-ҳаракат хусусияти, содир этиш ҳолати, унинг оқибатлари, айбдорнинг бунгача бўлган хулқ-атвори, ички ишлар органларида хизмат ўтаган муддати, шунингдек юклатилган хизмат вазифаларини бажаришга бўлган муносабати эътиборга олинади. Содир этилган ножӯя хатти-ҳаракат унчалик аҳамиятга эга бўлмаса, бошлиқ унга нисбатан интизомий жазо чорасини қўлламаслиги ва бошқа бундай



ҳолатларга йўл қўймаслик борасида оғзаки огохлантириш бериш билан кифояланиши мумкин.

Интизомий жазо қўллашдан аввал содир этилган ҳуқуқбузарлиги тўғрисида ёзма тушунтириш олиниши лозим. Агар ёзма тушунтиришни беришдан бош тортса, тегишли равищда далолатнома расмийлаштирилади. Тушунтиришни беришдан бош тортиш ҳолати содир этилган қилмиш учун интизомий жазо тайинлашга тўсқинлик қила олмайди ва жазонинг оғирроқ кўриниши ва чораларини қўллашга олиб келмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли қарори

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 9 октябрдаги 1572-сон Фармони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми // Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг умумҳарбий низомлари. – Тошкент: Шарқ, 2007. – Б.15-16.

3. Russian scientists A.Curer and B.Nikteysky and psychologist D.Kerden believes that in the process of daily military service, all kinds of interaction and dialogue that military personnel carry out constitute a system of interaction in the team. It is in this process that forms of interaction between individuals and communities appear and develop. 2007

4. Ражабов.Р Қадимги халқ ҳарбий саънати. Урушлар ва жангларда қўлланиладиган ҳарбий сахнат. Тошкент-2018. Илмий рисола. -[электрон манбаа]. Мурожат этилган сана: 19.12.2022. Кириш йўли: <https://0163fgf.gosi.pdf.com>.